

# VAKHIDOV & PARTNERS

## Маркетинг амалиёти кодекси - коррупцияга қарши курашиш асоси

Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларининг  
Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари ассоциацияси

**Вахидов Зафар Фирдавсович**  
Бош директор - Vakhidov & Partners  
Маслаҳатчи - Хорижий  
фармацевтика компаниялари ва  
ишлаб чиқарувчиларининг  
Ўзбекистон Республикасидаги  
ваколатхоналари ассоциацияси




**Хорижий фармацевтика  
компаниялари ва ишлаб  
чиқарувчиларининг  
ваколатхоналари ассоциацияси  
хақида**

# Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларининг ваколатхоналари ассоциацияси ҳақида

Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларининг ваколатхоналари ассоциацияси (бундан буён матнда «**Ассоциация**» деб юритилади) 2003 йилда ташкил этилган нодавлат ноижорат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бозорида ҳалқаро фармацевтика компанияларининг - фармацевтика ва тиббиёт ускунларини ишлаб чиқарувчиларнинг касбий ва бизнес манфаатларини ифодалайди.

## Ассоциациянинг асосий мақсад ва вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасида очиқ замонавий ахлоқий фармацевтика бозорини яратишга қўмаклашиш;
- фармацевтика бозорида фаолиятнинг ахлоқий меъёларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини янада ривожлантириш учун хорижий ишлаб чиқарувчи фирмаларни жалб этиш;
- мамлакат аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва дори билан таъминлаш соҳасида мақсадли қонунчилик ва норматив лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- манфаатдор органлар ва муассасалар, ҳалқаро илмий ва профессионал ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ахборот алмашиш.





# Маркетинг амалиёти кодекси

# Маркетинг амалиёти кодексининг **мақсади** ва **қўлланиш доираси**

Маркетинг амалиёти кодексининг (бундан буён матнда «Кодекс» деб юритилади) **мақсади**:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркетинг фаолиятини амалга оширишда Ассоциация аъзолари – фармацевтика компаниялари амал қилиши керак бўлган минимал талабларни белгилаш.

Кодексининг **қўлланиш доираси** қуйидагиларга қаратилган:

- фармацевтика маҳсулотларини аҳоли ва соғлиқни сақлаш ходимларига реклама қилиш;
- фармацевтика компанияларининг тиббий вакиллари фаолияти;
- соғлиқни сақлаш ходимлари ва бемор ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик;
- рўйхатга олишдан сўнг ўтказиладиган клиник (интервенцион), кузатув (ноинтервенцион), эпидемиологик ва маркетинг тадқиқотлари;
- соғлиқни сақлаш мутахассислари учун фармацевтика маҳсулотларини тарғиб қилиш тадбирлари;
- илмий тадбирларга ҳомийлик қилиш ва бошқалар.



# Кодексни ишлаб чиқиш

## Кодексни тайёрлашда қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (04.01.2016 й. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 399-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинди)
- Ўзбекистон Республикасининг 3.01.2017 й. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419 сонли Қонуни
- Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1996 й. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги 265-І - сонли Қонуни
- Ўзбекистон Республикасининг 25.12.1998 й. «Реклама тўғрисида»ги 723-І - сонли Қонуни
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 25.12.1998 й. «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 4 - сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 06.04.2001 й. 1024-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
- Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2014 й. «Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 341 – сонли Қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.12.2013 йилдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» ги 422-сонли Буйруғи.



**Кодекснинг коррупцияни  
олдини олишга қаратилган  
қоидалари**


01.12.2021

VAKHIDOV & PARTNERS

# Кириш қисми

Коррупция мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишидаги энг катта тўсиқлардан биридир. Коррупциянинг салбий оқибатлари нафақат қасддан нотўғри ҳаракат қилиш ёки ҳаракатсизлик натижасида, балки манфаатлар тўқнашувлари ва ахлоқий жиҳатдан бошқарувнинг мураккаблиги туфайли ҳам юзага келади.

Кодекс компанияларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ аҳоли саломатлиги манфаатларини инобатга олган ҳолда адолатли ва масъулиятли маркетинг амалиётлари меъёрларини ишлаб чиқиш ва қўллашда кўмаклашиш учун мўлжалланган.



# Тадбирларни молиялаштириш (семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ва конгресслар)

Тадбирларда соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг иштирокини фармацевтика компаниялари томонидан молиялаштиришга қўйиладиган **талаблар**:

- тадбирларни меҳмондўстлик тамойилларини инобатга олган ҳолда ўтказиш;
- молиялаштиришни транспорт харажатлари, овқатланиш, турар жой ва рўйхатга олиш масалаларига сарфлаш;
- соғлиқни сақлаш ходимларига ҳар қандай компенсацион тўловларни амалга оширишни тақиқлаш (тадбирда иштирок этиш учун сарфлаган вақтини қоплаш);
- амалиёт олиб боровчи шифокорларга тадбирда иштирок этишлари учун, ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ва жалб қилиш эвазига дори-дармонларни тарғиб қилиш, тавсия қилиш ёки сотиб олиш мажбуриятини юкламаслик.



# Тадбирларда меҳмондўстлик чегаралари



Бизнес-марказларда, таълим муассасаларида, меҳмонхоналарда, ҳамда бизнес ва ўқув тадбирларига мўлжалланган бошқа жойларда тадбирлар ўтказиш.



Соғлиқни сақлаш мутахассисларини реклама ва илмий тадбирларга жалб қилиш учун спорт ва кўнгил очар тадбирларидан фойдаланиш.



Ичимликлар ва/ёки овқатларни (қаҳва танаффуси, тушлик, кечки овқат) фақат тадбир иштирокчиларига, шунингдек, тадбирнинг асосий мақсадига зарар етказмаган ҳолда тақдим этиш.



Меҳмондўстлик соғлиқни сақлаш мутахассислари одатда ўзлари учун тўлашга қодир бўлган миқдордан ошиши.

# Совғалар ва тиббий буюмлар

## Совғалар

IFPMA бизнес амалиёти кодексига мувофиқ, 01.01.2019 йилдан бошлаб, соғлиқни сақлаш мутахассислари учун ҳар қандай совғаларни, шу жумладан анъанавий, миллий, маданий ёки диний тадбирлар арафасида совғаларни тақдим этишни тақиқлаш жорий этилди.

**Тиббий хизматларни яхшилаш ва беморларни парвариш қилиш учун компаниялар томонидан тақдим этиладиган тиббий буюмларга бўлган талаблар:**

- камтарона (ўртача) нархга эга бўлишлари керак;
- доимий асосда таклиф қилинмасликлари керак;
- тиббий хизмат кўрсатиш ва беморларни парвариш қилиш сифатини яхшилашга ёрдам беришлари керак.

*Тиббиёт анжомлари компания логотипини ўз ичига олиши мумкин, аммо маҳсулот номи ёки логотипи бўлмаслиги керак (савдо белгиси). Маҳсулот номи бемор анжомдан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.*



# Беморлар ва бемор ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик

✓ Бемор ташкilotи билан ҳамкорлик шаффоф ва ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

! *Ўзаро ҳамкорлик маҳсулотларни яширин тарзда реклама қилишга олиб келмаслиги керак.*

✓ Компания бемор ташкilotининг хайрия ва/ёки ижтимоий лойиҳасини молиялаштиришда ягона манба бўлиши мумкин.

! *Шу билан бирга, бемор ташкilotининг шу каби лойиҳаларини молиялаштиришда бошқа компанияларнинг ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмайди.*

✓ Бемор ташкilotлари тадбирларини молиявий қўллаб-қувватлаш рухсат этилади.

! *Шу билан бирга, тадбирнинг асосий мақсади таълимий ёки илмий бўлиши керак.*

✓ Беморлар билан ўзаро ҳамкорлик бемор шифокорининг ролини эгалламаслиги керак.


! *Компания ходимлари ҳар доим беморни шахсий тиббий ёрдам билан боғлиқ барча масалалар бўйича уни даволовчи шифокорига йўналтиришлари шарт.*



# Тиббий вакиллар фаолияти қоидалари ва меъёрлари.

## Тиббиёт вакили:


- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, дорихоналар, чакана савдо соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ташкилотнинг бошқа маҳаллий ҳужжатларига, компания раҳбарининг лавозим ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий ҳужжатларига амал қилади;
- ўзи ишлаётган компания томонидан эълон қилинган ахлоқий, шунингдек Кодексда акс эттирилган тамойилларга амал қилиши керак;
- ташриф буюриш ҳуқуқини олиш мақсадида рағбатлантиришдан фойдаланмаслиги ва бу мақсадда мукофот ёки зарарни қоплаб беришни таклиф қилмаслиги керак.



# Маркетинг тадқиқотлари

- ✓ Фармацевтика компаниялари томонидан маркетинг агентликларини жалб этган ҳолда ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши мумкин.

! Шу билан бирга, фармацевтика компаниялари ва/ёки агентликлари маркетинг тадқиқотларида иштирок этишлари учун соғлиқни сақлаш ходимларига ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эмас.



# Акциялар дастурлари ва ҳужжатлари

Фармацевтика маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ акциялар компаниянинг ваколатли шахси томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Уларни ўтказиш жараёнида ҳаракатлар олиб борилишини акс эттирувчи ҳужжатлар бўлиши зарур.

## Дастурлар қуйидагиларни ўз ичига олишлари керак:

- мақсадларни, вазифаларни, ҳамда мақсадли гуруҳларни кўрсатган ҳолда акциянинг тавсифи;
- ўтказиш муддатлари;
- соғлиқни сақлаш мутахассислари ва фуқароларнинг иштирок этиш шартлари, агар бундай иштироклар кўзда тутилган бўлса;
- соғлиқни сақлаш ходимлари, тиббий-профилактика муассасалари, клиникалар билан тузиладиган шартномаларнинг намунавий шакллари (агар мавжуд бўлса);
- ташкиллаштиришда қатнашувчилар ва иштирокчилар учун кўрсатмлар, ва бошқалар.





## Кодекс қоидаларига риоя қилиш

# Кодекс қоидаларига риоя қилиш

- Кодекс талабларига риоя қилиш бўйича асосий масъулият Ассоциация аъзолари зиммасига юклатилади.
- Ассоциациянинг аъзо компаниялари маркетинг фаолиятини амалга оширишда адолатли рақобат қоидаларига риоя қилишлари, номақбул реклама ва фармацевтика маҳсулотлари сотилишини кенгайтиришда бошқа адолатсиз усуллар орқали рақобатчиларнинг обрўйига ва мавқеига, иқтисодий манфаатларига зарар етказмасликлари керак.
- Кодекс қоидалари бузилган тақдирда Ассоциация аъзоси ёки бошқа манфаатдор шахс Ассоциация директори номига ариза юбориши мумкин.



# Кодекс талабларини бузганлик учун санкциялар

Кодекс қоидаларини бузиш қуйидаги **санкцияларни** қўллаш бўйича Ассоциация томонидан тавсиялар киритилишга олиб келиши мумкин:

- Ассоциация аъзоларининг умумий йиғилишида талабларни бузган компаниянинг номи, шу жумладан, қандай талаблар бузилганлигинининг ошкор қилиниши;
- Кодекс бўйича тренинг ўтиш мажбурияти юклатилиши (компания ходимларига);
- Бош офисни Кодекс талаблари бузилганлиги ҳақида хабардор қилиш;
- Жиддий қоидабузарлик ҳолатларида йиллик аъзолик бадалидан ошмаган миқдорда жарима ундириш\*;
- Ассоциациянинг умумий йиғилишига қоидабузар компанияни Ассоциация аъзолари сафидан чиқариш тўғрисида тавсиянома билдириш.


*\* Санкция фақат Ассоциациянинг аъзо компанияларига нисбатан қўлланилади.*



# Биз ҳақимизда

# Биз ҳақимизда

1. «Vakhidov & Partners» Марказий Осиёда фармацевтика, тиббий буюмлар, соғлиқни сақлаш, FMCG, чакана савдо, шунингдек ИТ/телекомга йўналтирилган биринчи юридик консалтинг ихтисосшалган бутик фирмасидир.
2. Бизнинг юристлар етакчи халқаро юридик фирмалар, турли-туман йирик компаниялар, катта тўртлик консалтинг компаниялари ва давлат ташкилотларида фаолият олиб боришган.
3. 17 йилдан ортиқ вақт мобайнида биз Ўзбекистон, Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида корпоратив, фармацевтика, телекоммуникация, коррупцияга қарши кураш, монополияга қарши кураш, меҳнат, шунингдек, интеллектуал мулк масалалари бўйича кенг кўламли йўналишларда хорижий инвесторлар манфаатларини ифода этиб, маслаҳатлар бериб келмоқдамиз.
4. Бизнинг жамоа аъзолари ишлаб чиқариш жорий иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мураккаб тартибга солиш масалаларини ҳал этиш, таҳлил қилиш, ҳамда ҳуқуқий ва комплаенс хавфни камайтириш мақсадида етакчи халқаро фармацевтика, FMCG, телекоммуникация, ҳамда бошқа ташкилотларга Ўзбекистон ва Қозоғистонда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишган. Шунингдек, биз Марказий Осиёда қўллаб халқаро компанияларнинг бирлашиш ва сотиб олиш жараёнлари, ҳамда корпоратив қайта тузиш лойиҳаларида ҳамроҳлик қилдик.
5. Кўп йиллар давомида саноатни фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида ассоциациялар ва палаталарнинг ихтисослаштирилган юридик қўмиталари фаолиятига раҳбарлик қилиб, стратегияни белгилашда, шунингдек, йирик компаниялар маҳаллий бозорларда тараққиёт стратегияларига эришишлари учун ҳуқуқий ва GR кўмак кўрсатишда қатнашиб келмоқдамиз.
6. Ишонамизки, бизнинг тезкор гуруҳимизнинг катта тажрибаси ва ресурслари, энг юқори ахлоқий стандартларни ҳисобга олган ҳолда, сизнинг бизнесингизни белгиланган мақсадларга олиб боради.



Этиборингиз учун раҳмат!  
Саволлар?

01.12.2021

VAKHIDOV & PARTNERS

# VAKHIDOV & PARTNERS

МЧЖ «Vakhidov Partners» (Тошкент, Ўзбекистон)  
МЧШ «Vakhidov and Partners» (Олмаота, Қозоғистон)

+7 705 209 91 59 (WhatsApp) | +998 97 727 0345 (Telegram)  
[zv@vakhidovlaw.com](mailto:zv@vakhidovlaw.com)

[vakhidovlaw.com](http://vakhidovlaw.com)